



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

20 23 й. " 12 " август

№ 27/13

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларидаги вакант лавозимга номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Инсон ресурсларини бошқариш департаменти директори В.Хамракуловнинг кун тартибидаги масала юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий аппарат ва ҳудудий бош бошқармаларидаги вакант лавозимга номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Марказий банк марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий бош бошқармалари раҳбарлари томонидан вакант лавозимларга номзодларни танлов асосида ишга қабул қилишда низом талабларига қатъий риоя қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида вакант лавозимларга номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш ҳақида"ги 2020 йил 26 декабрдаги 28/8-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор ва низом Марказий банк Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари У.К. Насыров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий аппарати
ва ҳудудий бош бошқармаларидаги вакант лавозимга номзодларни
танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида**

НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Марказий банкнинг марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларидаги вакант лавозимларни бутлашда шаффофликни таъминлаш ва тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари қуйидаги лавозимларга татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган лавозимлар;

Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган лавозимлар;

ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи, хизмат кўрсатувчи ва техник тоифадаги лавозимлар.

2. Вакант лавозим учун номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш кадрлар хизмати томонидан ташкил этилади.

3. Танлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларининг вакант лавозимларини муносиб номзодлар билан бутлаш мақсадида ўтказилади.

4. Танловни ташкил этишда шаффофликни таъминлаш мақсадида тест-синовлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Шаффофлик тамойили:

вакант лавозимлар ҳақидаги маълумотларни Марказий банкнинг веб-сайтида ва бошқа ижтимоий тармоқларида очик жойлаштириш;

танловнинг дастлабки босқичини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда инсон омилини қисқартириш орқали амалга ошириш;

номзодлар билан суҳбат ўтказиш мақсадида Эксперт гуруҳи тузиш;

номзодларга танлов натижаларини маълум қилиш орқали таъминланади.

5. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

бўш (вакант) лавозим - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларидаги бўш (вакант) иш ўринлари;

номзод - вакант лавозимга талабгор бўлган фуқаро, шу жумладан Марказий банк ходими;

буюртма - таркибий бўлинмалар томонидан вакант лавозимга белгиланган талаблар бўйича тақдим этиладиган ҳужжат;

комлаенс-назорат хизмати - Марказий банк тизимида коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма ёки масъул шахс;

кадрлар хизмати - Инсон ресурсларини бошқариш департаменти ҳамда ҳудудий бош бошқармаларда ходимлар билан ишлаш бўйича шуъба мудирини ёки бош эксперт;

таркибий бўлинма - Марказий банк марказий аппарати ҳамда ҳудудий бош бошқармаларидаги таркибий тузилмалар.

II. Вакант лавозимларни бутлаш тартиби

6. Вакант лавозимларни муносиб номзодлар билан бутлаш ҳамда кадрлар ресурсидан оқилона фойдаланиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида вакант мавжуд бўлган кундан бошлаб ўн иш куни давомида таркибий бўлинмалар томонидан кадрлар хизматига:

Марказий банкда фаолият юритувчи ходимнинг номзоди ёзма равишда тавсия этилади;

номзод мавжуд бўлмаган тақдирда 1-иловага мувофиқ буюртма танлов ўтказиш учун тақдим этилади.

Тавсия этилган ходимларнинг билими тест синови (*макроиқтисодиёт, мантиқий фикрлаш ва соҳага оид билимлар*), хорижий тилларни билиш даражаси ёзма ва оғзаки суҳбат натижалари орқали баҳоланади.

Таркибий бўлинмалар томонидан тегишли тартибда ходимнинг номзоди тавсия этилмаган ёки буюртма белгиланган муддатларда тақдим қилинмаган тақдирда, кадрлар хизмати томонидан лавозим йўриқнома талабларидан келиб чиқиб бир иш кунида Марказий банкнинг веб-сайти (www.cbu.uz) ҳамда телеграм тармоғи (@CBUuz_bot) орқали эълон берилади.

7. Марказий банк раиси буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ҳудудий бош бошқармалардаги вакант лавозимлар қуйидаги тартибда бутланади:

Ҳудудий бош бошқарма бошлиғи вакант мавжуд бўлган кундан бошлаб ўн иш куни давомида Инсон ресурсларини бошқариш департаментига ходим ёки бир нечта ходимлар номзодини тақдим этади;

Инсон ресурсларини бошқариш департаменти номзод юзасидан келиб тушган тақдимномани Комплаенс-назорат ва ички аудит департаментига номзодни ўрганиш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида тақдим этади;

Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти тақдимнома юзасидан беш иш куни давомида ўрганиш ўтказади;

Ўрганиш натижалари ижобий бўлган тақдирда номзод билан боғлиқ келгуси ҳаракатлар мазкур Низомнинг 6 банди тўртинчи хатбошиси ҳамда IV бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Марказий банкнинг махсус стипендияси совриндорлари тегишли таркибий бўлинмада тўлиқ амалиёт ўтаганларидан сўнг таркибий бўлинма раҳбарининг тавсияси ва Эксперт гуруҳи суҳбати асосида, иш берувчи қарорига мувофиқ ишга қабул қилиниши мумкин.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

9. Марказий банк марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларидаги вакант лавозимлар учун танлов икки босқичдан иборат:

Биринчи босқич - тест синовлари ва хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш босқичи;

Иккинчи босқич - Эксперт гуруҳидан суҳбатдан ўтиш босқичи.

10. Биринчи босқичда тест синовлари ҳар ойда икки маротаба, ойнинг 14 (*ўн тўртинчи*) ва 28 (*йигирма саккизинчи*) саналарида ўтказилади. Танлов ўтказиладиган сана дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда танлов кейинги иш кунида ўтказилади.

11. Таркибий бўлинмалардан буюртма қабул қилиб олинганидан сўнг, кадрлар хизмати номзод учун қўйилган талаб, танлов шартлари ва танлов ўтказиладиган сана ҳақида Марказий банкнинг веб-сайти (www.cbu.uz) ҳамда телеграм тармоғи (@CBUuz_bot) орқали тест синовлари ўтказиладиган санадан камида бир ҳафта олдин хабар қилади.

Тест синовлари замонавий ахборот технологияларидан (Google form, ZOOM, telegram bot) фойдаланилган ҳолда амалга оширилиб, бунда тест синовлари якуни бўйича натижалар шу куннинг ўзида номзодларга маълум бўлади.

Тест синовларидан муваффақиятли ўтган номзодлар билан кейинги иш кунида хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказилади.

12. Танловда лавозим эгаллаш ҳуқуқи қонун ҳужжатлари билан чекланмаган ва белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этадилар.

13. Номзодлар танловда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш давомида маълумотларни тўлиқ тақдим этишлари шарт. Маълумотларни тўлиқ ошкора этмаслик ёки сохта маълумотларни тақдим этганлиги учун номзод танловдан четлаштирилади.

14. Номзодлар фақат битта вакант лавозим учун танловда иштирок этишлари мумкин. Улар томонидан танланган вакант лавозим малака талабларига мос келиши таҳлил қилинади ҳамда телеграм тармоғи орқали икки иш куни ичида:

мос келган номзодларга тест синовлари ҳаволаси юборилади;

мос келмаган номзодлар ҳабардор қилинади.

15. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар кадрлар хизмати томонидан бир иш кунида махсус телеграм канали (@CBUHR) орқали эълон қилинади.

16. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар Марказий банкнинг комлаенс-назорат хизмати томонидан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларни ўрганиш тўғрисида”ги йўриқномада белгиланган тартибда беш иш кунида ўрганиб чиқилиб, тегишли хулосалар Эксперт гуруҳига тақдим этилади.

17. Эксперт гуруҳи томонидан Марказий банкнинг комлаенс-назорат хизмати томонидан тегишли хулоса олингандан сўнг ўн иш кунида вакант лавозим учун номзодлар билан суҳбат ўтказилади.

IV. Эксперт гуруҳи

18. Эксперт гуруҳи таркиби беш кишидан кам бўлмаган миқдорда тоқ сондан иборат бўлиб, Эксперт гуруҳи раиси, буюртмани тақдим этган таркибий бўлинма раҳбари, Инсон ресурсларини бошқариш департаменти директори ва Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти директори ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси раисидан шакллантирилади. Заруриятга қараб мазкур гуруҳга вакант лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа ходимлар жалб этилиши мумкин.

Эксперт гуруҳига Марказий банкнинг марказий аппаратида – тегишли таркибий бўлинма фаолиятини мувофиқлаштирувчи раис ўринбосари раҳбарлик қилади.

19. Ҳудудий бош бошқармаларда Эксперт гуруҳи таркиби беш кишидан кам бўлмаган миқдорда тоқ сондан иборат бўлиб, Эксперт гуруҳи раиси, буюртмани тақдим этган таркибий бўлинма раҳбари, кадрлар ва комплаенс-назорат хизмати масъул ходимлари ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси раисидан шакллантирилади. Заруриятга қараб мазкур гуруҳга вакант лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа ходимлар жалб этилиши мумкин.

Худудий бош бошқармаларда эксперт гуруҳига – Марказий банк раиси буйруғи билан тайинланмайдиган лавозимлар учун бош бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади.

20. Марказий банк марказий аппаратида Эксперт гуруҳи таркиби Марказий банк раисининг фармойиши билан, худудий бошқармаларда бош бошқарма бошлиғи фармойиши асосида тасдиқланади.

21. Эксперт гуруҳи аъзоси номзодга бевосита ёки билвосита алоқадор шахс бўлса, мазкур гуруҳ аъзоси танлов жараёнида иштирок этмаслиги юзасидан кадрлар хизмати ва Эксперт гуруҳи раҳбарига ёзма ёки оғзаки маълум қилиши шарт.

Эксперт гуруҳи аъзоси танлов жараёнида иштирок этмаслик юзасидан хабардор қилгандан сўнг, эксперт гуруҳ таркибидан чиқарилган ходим фаолият юритадиган таркибий тузилмадан бошқа ходим жалб қилинган ҳолда танлов амалга оширилади.

22. Эксперт гуруҳи суҳбат жараёнида ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида аудио, видеоёзув ва ZOOM қурилмаларидан фойдаланади ва ушбу ёзувлар икки йил давомида кадрлар хизматида сақланади.

23. Эксперт гуруҳи суҳбат жараёнида, номзоднинг билим ва кўникмалари, касбга бўлган садоқати, касбий маҳорати, шахсий сифатлари ва тест-синовлари натижаларини ҳисобга олиб тегишли хулоса беради.

24. Эксперт гуруҳи суҳбат натижалари бўйича хулосаларини 2-иловага мувофиқ қуйидаги жумлалардан бирини танлаш орқали қайд этадилар ҳамда кадрлар хизмати томонидан номзодларга бир иш кунида маълум қилинади:

тавсия этилади;

тавсия этилмайди.

25. Ишга қабул қилишда устунлик Эксперт гуруҳи аъзоларининг энг кўп ижобий тавсияларини олган номзодга берилади.

Тавсия этганлар ва тавсия этмаганлар сони тенг бўлса, Эксперт гуруҳи раҳбарининг хулосасига асосланиб якуний хулоса берилади. Шунингдек, гуруҳ аъзоларининг таклифларига биноан тавсия этилмаган номзодлар бошқа мос вакант лавозимларга тавсия этилиши мумкин.

Суҳбат натижаларига эътироз билдирган номзодлар бевосита Марказий банк раисига ёки судга мурожаат қилишлари мумкин.

26. Вакант лавозимга номзодни ишга қабул қилишда тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Якуний қоидалар

27. Инсон ресурсларини бошқариш департаменти танловнинг натижадорлигини таъминлаш мақсадида танлов шартлари ҳамда давлат ва рус тилларида тузиладиган тест саволларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

28. Сухбат ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган лекин асоссиз унда иштирок этмаган номзодлар сухбатдан ўтмаган ҳисобланади.

Номзоднинг танлов билан боғлиқ барча ҳаракатлари тегишли маълумотлар базасида шакллантирилиб борилади ҳамда Марказий банкнинг кадрлар хизматининг масъул ходимларидан қайта алоқа олган кунларидан бошлаб 3(уч) ойдан сўнг мавжуд вакант лавозимларга саралаш синовларидан қайта ўтишлари мумкин бўлади.

29. Марказий банкнинг комлаенс-назорат хизмати томонидан танловни ташкил этиш ва ўтказишда мазкур Низом қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари, шунингдек, Эксперт гуруҳининг ҳолис қарор қабул қилишга таъсир ўтказиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар аниқланганда Эксперт гуруҳи раҳбари номига бўлиб ўтган танловни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш бўйича билдирги киритилиши мумкин.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Бўш иш ўрни бутланиши учун Буюртма/Лавозим талабномаси

№ _____ Сана _____

Буюртмачининг маълумотлари

ФИИП: _____

Лавозим: _____

1. Таркибий бўлима номи

2. Бўш лавозим номи

Расмий талаблар		Мезонлар	Талаблар (кутилган талабларни келтиринг)
3.	№		
	1	Маълумоти	
	2	Иш тажрибаси	
4.	№	Қўшимча талаблар (махсус сертификатларнинг мавжудлиги)	
	1	Асосий функционал мажбуриятлари	
	2		
	3		

5.	№	Мезонлар	Талаблар (билиш/удалалаш даражасини келтиринг)
Кобилиятлари	1	Магистрий фикрлаш даражаси*	Ўрта
	2	Хорижий тилларни билиш даражаси	Хорижий тилни кўрсатинг _____ Номзод ушбу тилдан қўйидаги максалларда фойдаланади:
			Хорижий тилни кўрсатинг _____ Номзод ушбу тилдан қўйидаги максалларда фойдаланади:
6.	№	Мезонлар ва талаблар	
Қаёғга оид талаблар	1		
	2		
	3		

*Эслатма: номзодга мантқиқий фикрлашнинг минимал ўрта даражаси талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
СУХБАТ ВАРАҒИ

Исм, фамилияси, отасини исми	
Тутилган йили ва жойи	
Маълумоти	
Диплом бўйича мутахассислиги	
Амалдаги лавозими	
Тавсия этилган лавозим	

1. Экспертлар гуруҳи раҳбари (ФИО)тавсия этилади тавсия этилмайди
2. Экспертлар гуруҳи раҳбари ўринбосари (ФИО) тавсия этилади тавсия этилмайди
3. Экспертлар гуруҳи аъзоси (ФИО) тавсия этилади тавсия этилмайди
4. Экспертлар гуруҳи аъзоси (ФИО) тавсия этилади тавсия этилмайди
5. Экспертлар гуруҳи аъзоси (ФИО) тавсия этилади тавсия этилмайди

Сўхбат варағи билан танидим

_____ йил " _____ " _____ (ФИО)

Экспертлар гуруҳи
ХУЛОСАСИ

20 _____ йил " _____ " _____

Таклиф қилинганлар:

Экспертлар гуруҳи хулосаси (қабул қилишнинг асослангирлиши)